

Мусулмонлар маданий ташкилоти Қироллик мукофотига сазовор бўлди



10:40 / 08.06.2021 1235

Манчестер мусулмонлар санъати ва маданияти фестивали (Макфест) биринчи бор 2017 йилда шаҳар стадионидаги террактдан сўнг, турли эътиқод вакиллари ўртасидаги муносабатларни қайта тиклаш учун ўтказилган эди. Макфест ташаббускори муслима ёзувчи Каисра Шаҳраз ҳисобланади.

«Энди Макфестга ташриф буюрганингизда, муслима аёллар камситилмаслигига кафолат бераман», дейди Шаҳраз.

IslamNews маълумотига кўра, фуқаролик жамияти вазири Диана Барран кўнгилли мусулмон ёшларнинг саъй-ҳаракатларини юқори баҳолаган ва нуфузли қироллик мукофотини топширган.

Таржимон: Мунира Баҳодиржон қизи